ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.2019.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЛИМОВА ГУЛШАН СУБҲОНОВНА

ПАСТ ТОҒЛАР СУВ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ (ҚУЛЖУҚТОВ ТИЗМАСИ МИСОЛИДА)

11.00.01 – Табиий география

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

УДК: 511.436 (575.1)

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳалимова Гулшан Субҳоновна
Паст тоғлар сув ресурслари шаклланишининг табиий географик омиллари ва улардан самарали фойдаланиш масалалари (Қулжуқтов тизмаси мисолида) ..3

Халимова Гулшан Субхоновна
Физико-географические факторы формирования водных ресурсов низкогорья и вопросы их рационального использования (на примере Кульджуктау)…...21

Khalimova Gulshan Subhonovna
Physico-geographical factors of low-water water resources formation and issues of their rational use (on the example of Kuldjuktau)……...39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 43

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03.30.2019.G.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЛИМОВА ГУЛШАН СУБҲОНОВНА

ПАСТ ТОҒЛАР СУВ РЕСУРСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ (ҚУЛЖУҚТОВ ТИЗМАСИ МИСОЛИДА)

11.00.01 – Табиий география

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида B2019.4.PhD/Gr14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб–саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ҳикматов ФазлиддинХикматович**
география фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Раҳматуллаев Арзимурад**
география фанлари доктори

Ибрагимова Раъно Алимбоевна
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **ЎзР ФА Сейсмология институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «20» ноябрь соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99824) 246-53-21, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174,Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2020 йил «9» ноябрда тарқатилди.
(2020 йил «9» ноябрдаги 24-рақамли реестр баённомаси).

Н.И.Сабитова
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал иқлим илиши жараёни туфайли Ер юзасида, айниқса, унинг чўл зоналарида сув ресурслари тақчиллиги тобора ортиб бормоқда. Бу муаммони ҳал этиш борасида БМТнинг сув ресурслари ҳолати ҳақидаги Бутунжаҳон маърузасида “Сув ресурсларини бошқариш муаммоларининг табиий ечимларини табиатнинг ўзи кўрсатиб беради ва уни амалга оширишга ёрдамлашади. Бундай ечимлар сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришда табиатда кечадиган жараёнлардан фойдаланади ёки улардан нусха олади”[1] деб таъкидланади. Сув ресурслари тақчиллигининг ортиб бориши чўл ҳудудларида жойлашган тоғ ёнбағирларига ёғадиган атмосфера ёғинларидан ҳосил бўладиган вақтинчалик сув оқимларини тўплашни ва улардан инсон ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида тежамкорлик билан самарали фойдаланишни йўлга қўйишни тақозо этади.

Дунё миқёсида ушбу йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, паст тоғлар сув ресурсларининг ҳосил бўлиш хусусиятларини табиий географик омилларга боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш ва уларни инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида миқдорий баҳолаш усулларини такомиллаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда, дунёда паст тоғлар ёнбағирлари ва уларнинг этакларидаги қуруқ ўзанларда вақтинчалик сув оқимининг ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнайдиган атмосфера ёғинларининг чегара қийматларини аниқлаш, шу тарзда иқлим шароити қурғоқчил бўлган ҳудудларда ҳосил бўлган сув оқимларидан самарали фойдаланиш масалалари кўплаб тадқиқотчиларни қизиқтирмоқда. Ушбу масалаларнинг ижобий ҳал этилиши, шу жумладан, арид зоналар сув ресурсларидан инсон манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда маҳаллий сув ресурсларидан тежамкор ва самарали фойдаланиш бўйича қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда ва бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сонли “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида “дарёлар, сойлар, кичик дарё ва кўлларнинг ўзанлари ва сувни муҳофаза қилиш зоналарини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга ошириш”[2] масалалари муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, паст тоғлар сув ресурслари шаклланишининг табиий географик омилларини ўрганиш, паст тоғлар ёнбағирларида ҳосил бўладиган сув ресурсларини миқдорий баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш усулларини янада такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар

[1]Всемирный доклад Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов. Природные решения проблем управления водными ресурсами. 2018.www.unesco.org/water/wwap

[2]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда Барқарор Ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишинииинг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Паст тоғлар табиий, шу жумладан, сув ресурслари шаклланишининг табиий географик омиллари ва улардан самарали фойдаланиш масалалари кўплаб хорижий олимларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Жумладан, ушбу масалаларни ўрганишга собиқ Иттифоқ ва МДҲ мамлакатлари олимларидан Г.В.Воропаев, М.П.Петров, Л.Л.Лиштван, М.И.Львович, И.А.Федосеев, А.Атаев, М.В.Болгов, Г.Т.Лещинский, Б.Т.Кирста, В.А.Ковда, М.В.Колодин, В.Н.Кунин, Н.К.Лалименко, А.Г.Бабаев кабиларнинг, узоқ чет эллик олимлардан эса Г.Херст, G.F.White, C.G.Collier, J.Nemec, J.C.Rodda, J.A.Rodiyer, T.A.Macmahon ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган. Мазкур тадқиқотларда, асосан чўллар ва уларда оролсимон жойлашган паст тоғларнинг геологияси, геоморфологияси ва ландшафтларига устувор аҳамият берилган, шунингдек, улар табиий ва иқлим хусусиятларининг сув ресурслари шаклланишига кўрсатадиган таъсирини ўрганишга қаратилган илмий ёндашувлар баён этилган.

Ўзбекистонда ушбу муаммони ўрганишга қаратилган илк тадқиқотлар XIX асрнинг охирги чорагида пайдо бўла бошлаган. Мазкур муаммо, дастлаб, Қизилқум ва унга туташ ҳудудлар мисолида И.В.Мушкетов, А.Д.Архангельский, И.П.Герасимов, П.К.Чихачев, кейинчалик эса К.К.Пятков, А.К.Бухарин, А.И.Пак, Р.Машрапов, Г.Н.Трофимов ва бошқалар томонидан турлича илмий ёндашувлар асосида ўрганилган. Ҳозирги кунда ушбу йўналишдаги тадқиқотларни В.Е.Чуб, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Э.И.Чембарисов, Н.И.Сабитова, С.А.Аббосов, В.А.Рафиқов, Ҳ.Т.Тўхтаева, Н.З.Сагдеев ва бошқалар давом эттирмоқдалар. Бевосита Қулжуқтов тизмаси ва унга туташ ҳудудларнинг табиий географик шароити ва ландшафтлари, уларнинг

маҳаллий сув бериш имкониятларини ўрганиш борасида Т.В.Звонкова, П.Н.Ғуломов, Н.И.Сабитова, С.Б.Аббосов, А.Раҳматуллаев, И.Қ.Назаров, Х.Р.Тошов ва бошқаларнинг изланишлари алоҳида ажралиб туради.

Бироқ, шу пайтгача, паст тоғлар, шу жумладан, Қулжуқтов тизмаси сув ресурслари шаклланишининг табиий географик омиллари, улар ёнбағирларидан юза оқимнинг ҳудуднинг иқлим шароити ва бошқа табиий омилларга боғлиқ ҳолда шаклланиш хусусиятлари, шунингдек, улардан ҳосил бўлган вақтинчалик оқар сойлар сувларидан самарали фойдаланиш масалалари алоҳида тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилмаган. Мазкур тадқиқот Ўзбекистондаги паст тоғларда юза сув ресурслари шаклланишининг табиий географик омилларини, уларнинг сув ресурсларини Қулжуқтов мисолида баҳолаш масалаларига устувор аҳамият берилганлиги билан аввалги тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД – 7 – 038 “Чўл ландшафтларининг маҳаллий сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш (Бухоро вилояти мисолида)” (2009-2011 йй.) мавзуидаги амалий ҳамда Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф5-13 – “Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш” (2017-2020 йй.) мавзуидаги фундаментал тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади паст тоғлар юза сувларининг шаклланишига табиий географик омиллар таъсирини ва ҳавза геосистемаларида шаклланадиган сув ресурсларини Қулжуқтов тизмаси мисолида баҳолаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

паст тоғлар сув ресурслари ҳосил бўлишини белгиловчи асосий табиий географик омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини баҳолаш;

Қулжуқтов тизмаси геосистемалари юза сув ресурсларидан ҳосил бўлган гидрографик тармоқларнинг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш;

тизма ҳавза геосистемаларининг сув ресурсларини белгиловчи атмосфера ёғинларининг мавсумий ва йилларараро ўзгаришларини ҳамда ҳудудий тақсимланишини тадқиқ этиш;

Қулжуқтов тизмасида ҳосил бўлган сув ресурсларини миқдорий баҳолаш;

тизма ҳавза геосистемаларининг сув ресурсларидан ичимлик сув таъминоти, фитомелиорация, чорвачилик ва рекреация мақсадларида фойдаланиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларидаги ҳавза геосистемалари ҳамда улардаги вақтинчалик оқар сувлар кузатиладиган гидрографик тармоқлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағри ҳавза геосистемаларида ҳосил бўладиган вақтинчалик оқар сувлар ресурсларининг табиий географик омилларга боғлиқ ҳолда шаклланиш хусусиятларини тадқиқ этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида рекогносировка, дала-тажриба, инструментал ўлчаш ва кузатиш, географик ва картографик таққослаш, географик экстраполяция, географик умумлаштириш, гидрометеорологик ҳисоблашлар, математик статистика, геоиндикация тадқиқот усулларидан, карталарни тузишда эса ГАТнинг стандарт дастурларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

паст тоғлар ёнбағирларида вақтинчалик юза оқим шаклланишига таъсир этадиган асосий табиий географик омиллар (ер юзаси литологияси, ёғинларнинг ёғиш мавсуми, тури, жадаллиги, давомийлиги) Қулжуқтов мисолида аниқланган;

Қулжуқтов тизмаси ёнбағирлари ҳавза геосистемаларининг сув ресурслари ҳосил бўлишини белгиловчи асосий омил - атмосфера ёғинлари градиентининг (мм/100м) баландлик зоналари бўйича ўзгариши аниқланган;

Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларидаги вақтинчалик оқимга эга бўлган сойлар ҳавзаларининг электрон картаси ГАТ технологиясининг SWAT модели ArcGIS дастурининг ArcSWAT инструментини қўллаш асосида яратилган;

Қулжуқтов тизмаси ҳавза геосистемаларининг сув ресурслари, жумладан, сув сарфи ($м^3/с$), оқим ҳажми ($м^3$) ва оқим қатлами (мм) миқдорий баҳоланган ва уларнинг йил давомида ойлар, фасллар бўйича тақсимланиши мутлақ ($м^3$) ва нисбий қийматларда аниқланган;

ҳудудда сув ресурсларидан ичимлик сув таъминоти, чорвачилик, яйловларни сувлантириш, фитомелиорация ва рекреация мақсадларида фойдаланиш учун кичик сув омборларини қуриш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қулжуқтов тизмаси ҳавза геосистемаларининг сув ресурсларини белгиловчи атмосфера ёғинларининг мавсумий ва ҳудудий тақсимланиш хусусиятлари аниқланди ва ёғинлар миқдорининг жойнинг баландлиги бўйича ўзгариши картаси тузилган;

ГАТ технологиялари дастурларини қўллаш асосида тадқиқот ҳудудининг электрон картографик тасвири яратилган;

йирик масштабли топографик карталар асосида Қулжуқтов ёнбағирларидан оқиб тушадиган кичик сойлар ва жилғаларнинг ҳавзалари ажратилиб, уларнинг морфометрик кўрсаткичлари аниқланган;

Қулжуқтов тизмаси ҳавза геосистемаларининг мавсумий ва вақтинчалик оқар сув ресурслари миқдорий баҳоланган;

Қулжуқтов тизмаси ҳавза геосистемаларининг сув ресурсларидан

самарали фойдаланиш бўйича турли тоифадаги сув истеъмолчилари эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги унда Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази – Ўзгидромет тизимида ягона усулда амалга оширилган гидрометеорологик кузатиш маълумотларидан ҳамда муаллифнинг дала тадқиқотлари материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни қайта ишлашда умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик статистика усуллари қўлланилганлиги, ишда эришилган натижаларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг хулосалари билан мосликлари, Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларидан оқиб тушадиган вақтинчалик сойлар сув сарфларининг бевосита инструментал ўлчашлар ва ҳисоблашлар орқали аниқланганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, унда олинган янги илмий натижалар ва хулосалардан, шунингдек, тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қўлланилган методологик ёндашувлардан келажакда Қизилқум чўли сарҳадларида жойлашган бошқа паст тоғларнинг сув ресурсларини баҳолашда қўлланиладиган илмий-услубий кўрсатмаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган асосий хулоса ва тавсиялардан Қулжуқтов тизмаси каби паст тоғлар сув ресурсларини миқдорий баҳолашда, улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда, Бухоро ва Навоий ҳамда уларга қўшни вилоятлардаги ўрмон хўжалиги ҳамда йўл қурилиши бошқармаларида қўлланилиши, ишда қўлланилган услубий ёндашувлар ва диссертация материалларининг республика олий таълим тизимининг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида умумий табиий география, умумий гидрология ва иқлимшунослик каби фанларнинг ўқитиш сифатини яхшилашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Паст тоғлар сув ресурслари шаклланишининг табиий географик омилларини аниқлаш ва уларни Қулжуқтов тизмаси мисолида миқдорий баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

паст тоғлар ёнбағирларида юза оқим шаклланишини белгиловчи асосий табиий географик омилларни аниқлаш натижалари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида чўл зоналарида экологик вазиятни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 7 июлдаги 01-02/8-1067-сон маълумотномаси). Натижада, сув таъминоти ўта тиғиз бўлган чўл зоналарида

экологик вазиятни юмшатишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

атмосфера ёғинларининг баландлик бўйича ортиб бориши хусусиятларини аниқлаш натижалари асосида яратилган “Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларида атмосфера ёғинларининг баландлик зоналари бўйича тақсимланиши” картаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 16 мартдаги 02-02-1825-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу картадан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг чўл ҳудудларида жойлашган Қулжуқтов каби паст тоғлар ёнбағирларига ёғадиган атмосфера ёғинлари миқдорини аниқлаш имконияти яратилган;

паст тоғларда атмосфера ёғинларининг баландлик зоналари бўйича миқдорий тақсимланишини аниқлаш натижалари Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида Ўзбекистон Миллий атласининг “Ер усти сувлари” бўлимига киритилган ва “Дарёларнинг тўйиниш манбалари” картасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 16 мартдаги 02-02-1825-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур картадан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг паст тоғлари ёнбағирларида ҳосил бўладиган вақтинчалик сув оқимларини миқдорий баҳолаш, тўплаш ва улардан инсон ҳаёт фаолиятининг турли соҳаларида самарали фойдаланишнинг қўшимча имкониятлари яратилган;

Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларида вақтинчалик оқимга эга бўлган сойлар ҳавзаларининг ГАТнинг SWAT модели ёрдамида, ArcGIS дастурининг ArcSWAT инструментини қўллаш асосида яратилган электрон картаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2020 йил 16 мартдаги 02-02-1825-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур инновацион ёндашувни қўллаш туфайли паст тоғлар гидрографик тармоқларининг морфометрик кўрсаткичларини ГАТ технологияларини қўллаш асосида аниқлаш имкониятлари орттирилган;

Қулжуқтов тизмаси каби паст тоғлар сув ресурсларини, жумладан, сув сарфи, оқим ҳажмини миқдорий баҳолаш натижалари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида фитомелиоратив тадбирларни қўллаб экологик вазиятни яхшилашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 7 июлдаги 01-02/8-1067-сон маълумотномаси). Натижада ҳудуддаги тизма ландшафтларининг, ҳавза геосистемаларининг маҳаллий сув ресурсларидан ичимлик сув таъминоти, чорвачилик, фитомелиорация ва рекреация мақсадларида фойдаланишнинг қўшимча имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида

муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, муаллифнинг нашр этилган ишлари ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **1-боби «Паст тоғлар табиий ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланишнинг методологик асослари»** деб номланади. Мазкур бобда асосий эътибор паст тоғлар ва уларнинг умумий табиий географик тавсифига қаратилган, паст тоғлар ва уларга туташ ҳудудлар табиий ресурсларини ўрганиш ва улардан фойдаланишнинг методологик асослари кўриб чиқилган. Шунингдек, бобнинг якуний қисмида Ўзбекистондаги паст тоғларнинг табиий ресурслари, жумладан, улар геосистемаларининг сув бериш имкониятлари ва уларнинг ўрганилганлик даражаси ёритилган.

Чўл зонасида оролсимон тарзда жойлашган паст тоғлар ҳамда уларга туташ ҳудудлар табиий ресурсларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг натижалари акс этган илмий маълумотлар кўпроқ геология, геоморфология, табиий география, гидрология, ботаника, зоология каби фанлар соҳаларига тегишли адабиётларда келтирилган. Улар қаторига Е.П.Коровин, Д.Н.Кашкаров, Л.С.Берг, Х.М.Абдуллаев, О.М.Акромхўжаев, В.Л.Шульц, Э.Д.Мамедов, И.И.Гранитов, П.Қ.Зокиров, А.А.Юрьев, А.У.Умаров, Ш.Д.Давлатов, А.Г.Бабаев, А.А.Рафиқов, З.Г.Фрейкин, И.Қ.Назаров, Г.Н.Трофимов, Н.И.Сабитова, Ф.Ҳ.Ҳикматов, С.Б.Аббосов, А.Раҳматуллаев, В.А.Рафиқов, Х.Р.Тошов ва бошқаларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин. Диссертацияда бевосита Қулжуқтов тизмаси геосистемаларининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда Т.В.Звонкова, Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когай, С.Б.Аббосов, И.Қ.Назаров, Х.Р.Тошов, Ҳ.Т.Тўхтаева ва бошқаларнинг тадқиқотлари натижалари методологик асос

қилиб олинган.

Ушбу бобда тегишли адабиётларда келтирилган, паст тоғларга оид маълумотлар таҳлил қилинган. Уларни умумлаштириш асосида эса ер сиртидаги тоғлар турли таснифий белгилари, жумладан, генезиси (пайдо бўлиши), геоморфологияси ҳамда жойлашиш баландликлари бўйича таснифланиб, гуруҳларга, улар эса ўз навбатида кичик гуруҳларга ва гуруҳчаларга ажратилган (1-расм).



1-расм. Тоғларни турли таснифий белгилари бўйича гуруҳлаш

Диссертацияда ўртача баланд тоғларга туташ бўлган паст тоғларга қисқача тўхталиб, асосий эътибор чўл зонасида оролсимон тарзда жойлашган паст тоғларнинг табиий географик тавсифига қаратилган. Ишда ҳар хил турдаги паст тоғларни тектоник нуқтаи назардан академик В.Е.Хаин бўйича, “қайта жонланаётган, қайта кўтарилаётган” тоғлар гуруҳига кириши алоҳида қайд этилган. Ўзбекистондаги паст тоғлар ҳам айнан шу тоифага киради.

Диссертацияда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда табиий география ва унинг бошқа тармоқларида методологик пойдевор вазифасини ўтайдиган ва бир-бири билан узвий боғланган қуйидаги бешта илмий назарий ва методологик ёндашувлар асос қилиб олинган: 1) табиий-фалсафий қонуниятлар, категориялар, тамойиллар ва усуллар; 2) табиат, шу жумладан, Ер табиатининг географик қонуниятлари; 3) жамиятнинг ривожланиши ва уни оқилона ташкил қилиш ҳақидаги назариялар ва қонунлар; 4) халқаро ташкилотлар томонидан табиат ва жамият муносабатларига оид қабул қилинган дастурий ҳужжатлар; 5) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика ҳукумати ва Олий Мажлис томонидан қабул қилинган фармонлар, қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий, дастурий ҳужжатлар.

Ишда табиий географик ва географик-гидрологик тадқиқотларда XIX асрнинг охирларигача миқдорий усул етакчилик қилган бўлса, XX аср

бошида А.И.Воейков тадқиқотлари туфайли, уларнинг иқлим босқичига кўтарилиши қайд этилган. Ўтган асрнинг 30-йиллари бошларига келиб эса, В.Г.Глушков томонидан комплекс, яъни географик-гидрологик усулга асос солинган. Ундан кейинги йилларда эса мазкур усул такомиллаштирилиб келинган. Кейинчалик таниқли олим Л.М. Коритний 1974 йилда "дарё ҳавзаси - бир бутун геосистема", деган хулосага келган. Диссертацияда, Қулжуқтов тизмаси сув ресурсларини баҳолашда, кейинги йилларда табиий географик тадқиқотларда муайян самарадорликни таъминлаган ва шу туфайли оммалашган "ҳавза – геосистема" ёндашув усули қўлланилган.

Янада аниқроқ айтганда, диссертацияда Қулжуқтов тизмаси сув ресурсларининг ҳосил бўлиш хусусиятларини ўрганишда академиклар Л.С.Берг, В.Б.Сочава, таниқли олимлар А.Г.Исаченко, Ф.Н.Мильков, Л.М.Коритний ҳамда устозларимиз А.А.Рафиқов, А.А.Абулқосимов, Ш.С.Зокиров, И.Қ.Назаров, Н.И.Сабитова, С.Б.Аббосов, А.Раҳматуллаев, Ш.М.Шарипов ва бошқаларнинг изларидан бориб, Қулжуқтов тизмаси ёнбағирларидаги кичик дарёлар ҳавзалари алоҳида геосистема сифатида қабул қилинган.

Диссертация ишининг мазкур боби якунида Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларида юза оқим ҳосил бўлишини белгиловчи табиий географик омилларни ўрганиш, тизма геосистемаларининг сув ресурсларини миқдорий баҳолаш муаммолари, шунингдек, улардан самарали фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Диссертациянинг **"Қулжуқтов тизмаси геосистемаларида юза оқим ҳосил бўлишининг табиий географик омиллари"** деб номланган **2-боб**ида, дастлаб, географик-гидрологик тадқиқотларда табиий географик ҳамда антропоген омилларнинг ўрни ва аҳамияти масалалари кўриб чиқилган. Шундан сўнг асосий эътибор Қулжуқтов тизмаси ва унга туташ ҳудудлар гесистемаларида кечадиган гидрологик жараёнлар ва ҳодисаларни белгиловчи асосий табиий географик омилларни аниқлашга қаратилган. Бобнинг якунида эса Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларидаги вақтинчалик оқар жилғалар ва сойлардан ташкил топган гидрографик тармоқларнинг морфометрик кўрсаткичлари аниқланган.

Тадқиқот жараёнида ҳар қандай дарё, сой, жилға ва умуман ер сиртида юза оқимнинг ҳосил бўлишига асосий таъсир кўрсатадиган табиий географик омилларга, жумладан, улар ҳавзаларининг географик ўрни, геологик тузилиши ва рельефи, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қоплами, гидрологик ва гидрогеологик шароитларига устувор аҳамият берилган. Ишда юқорида санаб ўтилган омилларнинг ҳар бири Қулжуқтов тизмаси мисолида кўриб чиқилган. Иқлимшунос А.И.Воейковнинг "дарёлар - ўз ҳавзалари иқлимининг маҳсулидир", деган фикрига кўра, ишда иқлим омилига асосий эътибор қаратилган.

Ўрганилаётган тизма рельефи, гидрологик хусусиятларига кўра, учта геоморфологик районларга ажратилган: 1) қояли-сувайирғичли, нишаблиги

катта тоғ ёнбағирлари; 2) пролювиал-делювиал жинслар билан қопланган, турли нишабликка эга бўлган тоғ ёнбағирлари; 3) вақтинчалик оқар сувлар ҳосил қилган сой водийлари.

Қулжуқтов тизмасига яқин жойлашган метеостанциялар маълумотлари асосида ўрганилаётган ҳудудда ҳаво ҳарорати ўртача ойлик қийматларининг йил давомида ойлар бўйича ўзгариши таҳлил қилинган(2-расм).



2-расм. Ўртача ойлик ҳаво ҳароратининг йил давомида ўзгариши

Тизма ёнбағирлари ва унинг атрофларида йил давомида энг паст ҳаво ҳарорати январь ойида, энг юқори ҳарорат эса июль ойларига тўғри келади. Таъкидлаш лозимки, аксарият ҳолларда, Қулжуқтовга яқин жойлашган метеорологик станцияларда қайд этилган ҳаво ҳароратлари “Бухоро” метеостанциясида ўлчанган миқдорларга нисбатан юқоридир (2-расм).

Тадқиқот вазифаларидан келиб чиқиб, Қулжуқтов тизмасининг жанубий ёнбағирларидаги вақтинчалик оқар сойлар ҳавзаларининг электрон картаси ГАТ технологиясининг Soil and Water Assessment Tool (SWAT) модели ёрдамида яратилган. Бунинг учун ArcGIS 10.3 дастурининг ArcSWAT инструментидан фойдаланилган. Ушбу карта ўрганилаётган ҳудуддаги вақтинчалик оқар сойлар ҳавзалари чегараларини белгилаб, уларнинг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди (3-расм).

Мазкур бобнинг якунида Қулжуқтов тизмаси гидрографик тармоқларининг морфометрик кўрсаткичлари илк бор аниқланган. Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларида жами 45 та мавсумий оқар кичик дарёлар ва сойлар мавжуд бўлиб, улардан энг йириги Дарёсойдир. Бу сой тизманинг жанубий этагида, шарқдан ғарбга томон оқади. Қолган 44 та кичик сойлар ва жилғалар Дарёсойга ўнг томондан қуйилади.



3-расм. Қулжуқтов тизмасининг вақтинчалик оқар сойлари ҳавзаларининг электрон картаси

Сув тўплаш майдонининг катталигига кўра, Кўксой (F=126,7 км^2), Каттасой (75,5 км^2), Қўнғирсой (48,5 км^2), Ақтасти (43,7 км^2), Илонсой (35,2 км^2) каби вақтинчалик оқар сойлар ажралиб туради. Мазкур сойлар ўз ҳавзаларининг бошқа морфометрик кўрсаткичларига кўра ҳам етакчилик қилади. Умуман олганда, ишда ўрганилаётган вақтинчалик оқар сойлар ҳавзаларининг сув тўплаш майдонлари 2,2÷126,7 км^2, узунликлари (L) эса 3,5÷31,5 км оралиқларда ўзгаради.

Диссертациянинг **“Қулжуқтов тизмаси геосистемаларининг сув ресурслари”** деб номланган **3-бобида** мазкур тизма ёнбағирлари ва унга туташ ҳудудлар сув ресурсларининг улар геосистемаларининг сув бериш имкониятлари билан чамбарчас боғлиқлиги кўрсатилган. Сув ресурслари эса, ўз навбатида, мазкур ҳудудга ёғадиган атмосфера ёғинлари миқдори билан аниқланади. Шу ҳолатни назарда тутиб, диссертация ишининг мазкур бобида асосий эътибор Қулжуқтов тизмаси ёнбағирларига ёғадиган атмосфера ёғинларининг ўртача кўп йиллик кўрсаткичларини аниқлаш, ёғин миқдорларининг баландлик бўйича ўзгариши хусусиятларини ўрганиш ҳамда ҳудудда атмосфера ёғинларининг йил давомида тақсимланиши масалаларини тадқиқ этишга қаратилган.

Тадқиқотда Қулжуқтов тизмасига яқин жойлашган Жонгелди, Оёқоғитма ва Бухоро метеостанцияларида қайд этилган атмосфера ёғинлари ҳамда ҳаво ҳароратларининг 67 йиллик (1951-2018) маълумотлари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ёғин миқдорлари мазкур ҳисоб даврида деярли ўзгармаган. Атмосфера ёғинларидаги бундай барқарорлик, айниқса, Жонгелди метеорологик станцияси учун хосдир. Лекин, қайд этиш лозимки, Оёқоғитма метеостанциясида ёғин миқдори бироз ортган (4-расм).



4–расм. Йиллик ёғин миқдорларининг йилларарo тебраниши: Оёқоғитма метеорологик станцияси

Ўзбекистон паст тоғлари ёнбағирларига ёғадиган ёғинларнинг баландлик бўйича ўзгариши хусусиятларини аниқлаш, уларнинг маҳаллий сув ресурсларини баҳолашда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Атмосфера ёғинлари миқдорининг баландлик бўйича ўзгариши қонуниятларини ўрганишда гиетографик эгри чизиқдан фойдаланилади. Афсуски, Қулжуқтов тизмаси ёнбағирларида биронта ҳам метеорологик кузатиш пункти фаолият кўрсатмайди. Бундай шароитда, ишда, бевосита Қулжуқтов тизмаси яқинида ёки унга туташ ҳудудларда, жумладан, Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятларида жойлашган метеорологик станциялар ва постлар маълумотларидан фойдаланилган (5-расм).



5-расм. Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳудудларида ёғин миқдорларининг баландлик бўйича ўзгариши

Гиетографик эгри чизиқлар серияси, яъни йиллик атмосфера ёғинларининг метеорологик станциялар баландликлари билан боғлиқлигини ифодоловчи 5 типдаги графиклар, атмосфера ёғинларининг баландлик

зоналари бўйича миқдорий тақсимланишини аниқлаш имконини берди. Ушбу маълумотлар асосида эса атмосфера ёғинларининг Қулжуқтов тизмаси баландлик зоналари бўйича тақсимланиш картаси тузилди (6-расм).



6-расм. Қулжуқтов тизмаси ёнбағирларида йиллик ёғинлар миқдорининг баландлик зоналари бўйича тақсимланиши

Картада кўрсатилганидек (6-расм), Қулжуқтов тизмасининг жанубий этакларида, 200 метр баландликларда, йилига ўртача 120 мм атрофида ёғин тушади. Тизма ёнбағирлариниг 500 метр баландликларида эса ёғин миқдори 2,3 марта ортиб, 290 мм га етади. Қулжуқтов тизмасининг энг баланд, яъни 750-780 метр баландликлари оралиқларида эса 400 мм атрофида ёғин тушиши аниқланган. Ёғинларнинг йил давомида мавсумлар бўйича тақсимланиши ҳисобланган. Натижада Ўзбекистоннинг метеорологик кузатишлар мавжуд бўлмаган паст тоғларида атмосфера ёғинларининг баландлик бўйича ўзгаришини миқдорий баҳолаш услуби ишлаб чиқилган ва Қулжуқтов мисолида апробациядан ўтказилган.

Диссертация ишининг сўнгги **4-боби “Қулжуқтов тизмасининг сув ресурсларини миқдорий баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш”** деб номланади. Мазкур бобда, дастлаб, Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларида ҳосил бўладиган вақтинчалик оқимнинг миқдорий қийматлари аниқланган. Уларнинг натижалари асосида Қулжуқтов тизмаси геосистемаларининг сув бериш имкониятлари баҳоланган. Бобнинг якунида асосий эътибор Қулжуқтов тизмаси ҳавза геосистемаларининг сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларини кўриб чиқишга қаратилган.

Тадқиқот ҳудудида жойлашган Чуруқ овулидан оқиб ўтувчи Каттасой қуруқ ўзанида жала ёмғирдан сўнг вақтинчалик оқимлардан шаклланган сув сарфлари эпизодик тарзда ўлчаб борилган. Бундай эпизодик ўлчаш ишлари

мавсумий характерга эга бўлиб, 2011-2018 йиллар давомида 9 марта амалга оширилган (1-жадвал).

1-жадвал

Каттасой ўзанида жала ёмғирлардан сўнг ўлчанган сув сарфлари

Т/р	Сана	$X_м$, мм	ω, м^2	ϑ, м/с	Q, м^3/с
1.	15.03.2011	8	4,31	0,76	3,28
2.	24.04.2012	19,8	11,08	0,67	7,45
3.	25.06.2012	12,4	6,73	0,61	4,12
4.	20.03.2013	16,2	9,07	0,76	6,90
5.	23.02.2015	10,5	5,88	0,76	4,47
6.	03.05.2016	8,2	4,59	0,85	3,89
7.	14.05.2016	7,7	4,31	0,76	3,28
8.	23.03.2017	12	6,72	0,86	5,78
9.	13.05.2018	20,3	9,19	1,03	9,42

Изоҳ: жадвал муаллифнинг дала тадқиқотлари давомида тўплаган маълумотлар асосида тузилди; $X_м$ – Жонгелди метеорологик станциясида қайд этилган кунлик максимал ёғинлар миқдори; ω - ўзаннинг кўндаланг кесими юзаси; ϑ – ўзанда сувнинг оқиш тезлиги; Q – сув сарфи.

Тадқиқот давомида Каттасой ўзанидан оқиб ўтган, ўлчанган сув сарфлари турли миқдордаги ва жадалликдаги ёғинлардан ҳосил бўлган. Шу туфайли ана шу сув сарфлари билан кунлик максимал атмосфера ёғинлари орасидаги боғланиш ўрганилган (7-расм).



7-расм. Каттасой сув сарфи билан Жонгелди метеостанциясида ўлчанган кунлик атмосфера ёғинлари орасидаги боғланиш графиги

Графикдан кўриниб турибдики (7-расм), кунлик атмосфера ёғинлари миқдорлари ортган сари, сув сарфларининг қийматлари ҳам ортиб боради. Ушбу график Жонгелди метеорологик станциясида ўлчанган кунлик ёғин миқдорига боғлиқ ҳолда, Каттасойдан оқиб ўтиши эҳтимоли бўлган сув сарфини аниқлаш имконини бериши мумкинлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирлари геосистемаларининг сув бериш имкониятларини миқдорий баҳолашга қаратилган тадқиқотлар натижасида, бу ерларга йил давомида ўртача 336,7 млн. м^3 ёғинлар тушиши

кўрсатиб берилган. Қулжуқтов тизмасининг жанубий ёнбағирлари (1753 км^2) Бухоро вилояти майдонининг (40,32 минг км^2) атиги 4,3 фоизини ташкил қилса-да, бу ерга тушадиган ёғин миқдори вилоят ҳудудига ёғадиган жами ёғин ҳажмининг 6,5 фоизини ташкил этиши аниқланган.

Тадқиқот олиб борилаётган ҳудудда илгари 30 дан ортиқ қудуқлар мавжуд бўлган. Бундан ташқари Қулжуқтов этакларида 3 та артезиан қудуқ бўлиб, уларнинг йиғинди сув бериш (иссиқ сув) қуввати йил давомида 2500 л/соат дан 4500 л/соат (иссиқ сув) гача ўзгариб туради. Буларнинг ҳаммаси тадқиқот объекти маҳаллий сув ресурслари заҳираларини янада бойитади.

Қулжуқтов тизмаси жанубий этакларидаги Ботаника боғи ҳамда Чуруқ қишлоғидан оқиб ўтувчи Каттасой, Актасти, Кўксой, Қинғирсой каби сойлар қуруқ ўзанлари ва улар қирғоқларининг рельефи атрофга нисбатан ботиқдир. Шу туфайли ушбу рельеф пастқамликларида баҳорги сел оқимлари пайтида катта ҳажмда сув тўпланади. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, Қулжуқтов этакларида кичик сув омборларини барпо этиш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар берилган. Жумладан, ушбу сув омборларида тўпланган сув билан маҳаллий аҳоли, бу ерда иш олиб бораётган геология-қидирув соҳаси мутахассислари, темир йўл қурувчиларининг ичимлик сув таъминоти, чорва молларини суғориш, яйловларни сувлантириш, фитомелиорация, рекреация ва бошқа истеъмолчиларнинг сувга бўлган ўта зарур эҳтиёжларини қондириш имконияти яратилади. Келажакда бу ерда кончилар шаҳарчаси бунёд этилишининг катта эҳтимоли сувга бўлган талабни янада оширади.

ХУЛОСА

1. Паст тоғлар юза сув ресурсларининг шаклланишига табиий географик омилларнинг таъсири ўрганилди ва уларнинг сув ресурслари Қулжуқтов тизмаси мисолида баҳоланди. Тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган Қулжуқтов тизмаси, генезисига кўра - тектоник, геоморфолик тузилишига кўра - бурмали-палахсали ва баландлигига кўра - чўл зонасида оролсимон тарзда жойлашган паст тоғлар турига мансубдир.

2. Қулжуқтов тизмаси ва унга туташ ҳудудлар геосистемаларида кечадиган гидрологик жараёнларни белгиловчи табиий географик омиллар, жумладан, уларнинг геологик тузилиши ва рельефи, иқлим шароити, тупроқ ва ўсимлик қоплами айнан шу ҳудуд учун хосдир. Энг асосийси, уларнинг барчаси, айниқса, ҳудуднинг сув ресурсларини белгилайдиган ер сирти ҳолати ва атмосфера ёғинлари вертикал (баландлик бўйича) зоналлик хусусиятларига эгадир.

3. Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларида вақтинчалик оқимга эга бўлган сойлар ҳавзалари чегараларининг электрон картаси илк бор ГАТнинг SWAT модели ёрдамида, ArcGIS дастури асосида яратилди. Мазкур карта Қулжуқтов тизмаси жанубий ёнбағирларида жами 45 та мавсумий кичик дарёлар ва сойлар мавжудлигини аниқлаш имконини берди. Уларнинг энг йириги Дарёсой бўлиб, у Қулжуқтов тизмасининг энг жанубий этагида, шарқдан ғарбга томон оқади. Қолган 44 та кичик дарёлар ва сойлар

Дарёсойга ўнг томондан қуйилади.

4. Кичик сойлар ва жилғаларнинг морфометрик кўрсаткичлари аниқланди. Сув тўплаш майдонлари ўлчамларининг катталиги бўйича Кўксой (126,7 км^2), Каттасой (75,5 км^2), Қўнғирсой (48,5 км^2) ва бошқалар ажралиб туради. Ушбу кичик дарёлар ҳавзалари бошқа морфометрик кўрсаткичлари, жумладан, узунликлари бўйича ҳам етакчидир. Умуман олганда, ўрганилган кичик дарёларнинг сув тўплаш майдонлари 2,2÷126,7 км^2, узунликлари эса 3,5÷31,5км оралиқларда ўзгаради.

5. Ўзбекистоннинг метеорологик кузатишлар мавжуд бўлмаган паст тоғлари ёнбағирларига ёғадиган атмосфера ёғинларининг баландлик бўйича ўзгаришини миқдорий баҳолаш услуби ишлаб чиқилди ва у Қулжуқтов мисолида апробациядан ўтказилди. Натижада ўрганилган ҳудуд майдони (1753 км^2) юзасига йилига ўртача 336,7 млн.м^3 ҳажмдаги ёғинлар тушиши аниқланди. Бу эса Бухоро вилояти ҳудудига тушадиган ўртача кўп йиллик ёғинлар миқдорига ($5 \cdot 10^9$ м^3, Тошов Х.Р.) нисбатан 6,5% ни ташкил этади.

6. Каттасойда ўлчанган сув сарфлари билан Жонгелди метеорологик станциясида қайд этилган кунлик максимал ёғин миқдорлари орасида боғлиқлик аниқланди. Мазкур боғланишнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг регрессия тенгламаси (R=0,836) жала ёмғирлардан кейин Каттасойдан оқиб ўтиши мумкин бўлган сув сарфини аниқлаш имконини беради.

7. Тадқиқот ҳудудида илгари 30 дан ортиқ қудуқлар фаолият кўрсатганлиги аниқланди. Бундан ташқари Қулжуқтов этакларида учта артезиан қудуқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг йиғинди сув бериш имконияти йил давомида 2500 л/соат дан 4500 л/соат оралиқда ўзгариб туради. Буларнинг ҳаммаси биргаликда қўшилиб, тадқиқот объектининг маҳаллий сув ресурслари заҳираларини (юза ва ер ости) бойитади.

8. Дала тадқиқотлари давомида Қулжуқтов тизмаси жанубий этагида жойлашган Ботаника боғи ҳамда Чуруқ қишлоғи яқинидан оқиб ўтувчи Каттасой, Актасти, Кўксой, Қинғирсой, Илонсой каби сойлар ўзани ва улар қирғоқларининг рельефи атрофга нисбатан пастқамликларда жойлашганлиги аниқланди. Шу туфайли, ушбу пастқамликларда баҳорги сел тошқинлари даврида, табиий йўл билан маълум ҳажмдаги сув тўпланади.

9. Юқорида қайд этилган ҳолатлар асосида, диссертацияда Қулжуқтов этакларидаги рельеф пастқамликларида мавсумий кичик сув омборларини қуриш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилган. Мазкур сув омборлари ҳудудда жойлашган маҳаллий аҳолининг ичимлик сув таъминоти, чорвани суғориш, яйловларни сувлантириш, фитомелиорация, рекреация эҳтиёжлари учун ўта зарур бўлган, маълум ҳажмдаги сувни тўплаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03.30.2019.G.01.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХАЛИМОВА ГУЛШАН СУБХОНОВНА

ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ НИЗКОГОРЬЯ И ВОПРОСЫ ИХ РАЦИОНАЛЬНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ (НА ПРИМЕРЕ КУЛЬДЖУКТАУ)

11.00.01 - Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.4.PhD/Gr14

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещён на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz.).

Научный руководитель: **Хикматов Фазлиддин Хикматович**
доктор географических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рахматуллаев Арзимурад**
доктор географических наук

Ибрагимова Раъно Алимбаевна
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация: **Институт сейсмологии АН РУз**

Защита диссертации состоится «20» ноября 2020 г. в 14^{00} часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.2019.Gr.01.06 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (+99824) 246-53-21, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Национальный университет Узбекистана факультет Географии и природных ресурсов).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № __). Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская 4. Национального университета Узбекистана. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «9» ноября 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 24 от «9»ноября 2020 года).

Н.И.Сабитова
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.г.н., доцент

З.Н.Тожиева
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня, в связи с потеплением климата в глобальном масштабе, на Земле, особенно в пустынной зоне, неуклонно нарастает дефицит водных ресурсов. В рамках решения этой проблемы во Всемирном докладе ООН о состоянии водных ресурсов отмечается, что «Природные решения проблем управления водными ресурсами подсказывает и помогает реализовывать сама природа. Такие решения используют или копируют происходящие в природе процессы в интересах совершенствования управления водными ресурсами».[1] Усиление дефицита водных ресурсов указывает на необходимость сбора стока временных водотоков, формирующихся от атмосферных осадков, выпадающих на склоны гор, расположенных в пустынных территориях, с целью их бережного и рационального использования в различных сферах человеческой деятельности.

В мире приоритетное внимание уделяется исследованиям данного направления, в частности, изучению особенностей формирования водных ресурсов низкогорий в связи с физико-географическими факторами и усовершенствованию методов их количественной оценки. Сегодня в мире многочисленных исследователей интересуют решения задач по определению пороговых значений атмосферных осадков, играющих важную роль в формировании временных водотоков на склонах низкогорий и в сухих руслах, расположенных у их подножий, что позволит получить дополнительные водные ресурсы в условиях территорий, где господствуют сухие климатические условия. Положительное решение этих задач, в частности, вопросы рационального использования местных водных ресурсов аридных территорий в интересах населения, а также их реализация в практику имеет большое значение.

Сегодня в республике приоритетное внимание уделяется обеспечению рационального использования имеющихся водных ресурсов. В частности, в Указе Президента Республики Узбекистан «Об утверждении Концепции охраны окружающей среды республики Узбекистан до 2030 года» в качестве важных задач обозначены вопросы «проведения работ по расчистке русел и водоохранных зон рек, саев, ручьев и озер, а также по укреплению их берегов»[2]. В этой связи особое значение приобретают научные исследования, направленные на изучение физико-географических факторов, влияющих на формирование водных ресурсов низкогорий, количественную оценку стока, формирующегося на склонах низкогорий и усовершенствованию методов их рационального использования.

Диссертационное исследование в определенной степени служит решению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики

---

[1]Всемирный доклад Организации Объединенных Наций о состоянии водных ресурсов. Природные решения проблем управления водными ресурсами. 2018.www.unesco.org/water/wwap

[2]Указ Президента Республики Узбекистан УП-5863от 30 октября 2019 года “Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года”. Национальная база данных законодательства Республики Узбекистан.

Узбекистан № УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах” от 7 февраля 2017 года, № УП-5863 “Об утверждении Концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года” от 30 октября 2019 года, № УП-5742 “О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве” от 17 июня 2019 года, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №841 «О мерах по реализации Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года» от 20 октября 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Физико-географические факторы формирования и вопросы рационального использования природных, в частности, водных ресурсов низкогорий рассмотрены в многочисленных исследованиях зарубежных ученых. В частности изучению этих вопросов посвяшены исследования ученых бывшего Союза и стран СНГ, таких как Г.В.Воропаев, М.П.Петров, Л.Л.Лиштван, М.И.Львович, И.А.Федосеев, А.Атаев, М.В.Болгов, Г.Т.Лещинский, Б.Т.Кирста, В.А.Ковда, М.В.Колодин, В.Н.Кунин, Н.К.Лалименко, А.Г.Бабаев, и таких ученых стран дальнего зарубежья, как Г.Херст, G.F.White, C.G.Collier, J.Nemec, J.C.Rodda, J.A.Rodiyeri другие. В этих исследованиях приоритетное внимание уделено геологии, геоморфологии, ландшафтам пустынь и расположенных подобно островам в их пределах низкогорий, а также освещены научные подходы, направленные на изучение влияния природных и, в том числе, климатических особенностей на формирование водных ресурсов.

В Узбекистане первые исследования, посвященные изучению данной проблемы, появились в последней четверти XIX века. Данная проблема изучалась первоначально на материалах Кызылкума и сопредельных территорий И.В.Мушкетовым, А.Д.Архангельским, И.П.Герасимовым, П.К.Чихачевым, а позднее К.К.Пятковым, А.К.Бухарином, А.И.Паком, Р.Машраповым, Г.Н.Трофимовым и другими с применением различных научных подходов. В настоящее время исследования по данному направлению продолжают В.Е.Чуб, Ф.Х.Хикматов, Э.И.Чембарисов, Н.И.Сабитова, С.А.Аббасов, В.А.Рафиков, Х.Т.Тухтаева, Н.З.Сагдеев и другие. Среди исследований, посвященных изучению физико-географических условий и ландшафтов хребта Кульджуктау и сопредельных территорий, потенциала формирования местных водных ресурсов, особо выделяются работы Т.В.Звонковой, П.Н.Гулямова, Н.И.Сабитовой, С.Б.Аббасова, А.Рахматуллаева, И.К.Назарова, Х.Р.Тошова и других.

Однако, до настоящего времени физико-географические факторы формирования водных ресурсов низкогорий, в частности, хребта

Кульджуктау, особенности формирования поверхностного стока на их склонах в зависимости от климатических условий и других природных факторов, а также вопросы рационального использования вод временных водотоков – саев, формирующихся за их счёт, не выступали в качестве отдельного объекта исследования. В настоящем исследовании основное внимание обращено изучению вопросов физико-географических факторов формирования поверхностных водных ресурсов низкогорий Узбекистана, а также оценке их водных ресурсов на примере Кульджуктау. Именно этими аспектами отличается данное диссертационное исследование от прежних работ.

